

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси аппарати Хўжалик
фаолияти бошқармаси
Хукумат уйидан фойдаланиш
бошқармаси бошлиғи


Азамов А.З.

БАЁННОМА

“28” Ноябрь 2022 й.

Тошкент ш.

Қатнашдилар:	Хайъат раиси:	Азамов А.	Бошқарма бошлиғи
	Аъзолари:	Бойжигитов И.	Бош ҳисобчи
		Мамасолаев Д.	Давлат харидлари бўйича бош мутахассис
		Шарипова С.	Хўжалик бўлими мудир в.б.
		Салихов С.	Омбор мудир
		Тожибоев С.	Алоқа воситаларидан фойдаланиш бўлими мудир
		Воҳобов Н.	Бўлим мудир в.б.
		Абдуллаев Ш.	Моддий таъминот бўлими мудир
		Умарова М.	1-тоифали мутахассис
		Талипжанов И	Нусха кўчириш ва кўпайтириш бўлими мудир

Кун тартиби

Таъминотчи: ООО “Belloff” таклифини ўрганиб чиқиш.

“Qutlug`-ishonch royuqadam” таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида масала юзасидан хайъат аъзоси Д. Мамасолаев ахборот берди:.

У ўз сўзида йиғилиш қатнашчиларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағларга xarid.uzex.uz электрон платформасининг “Энг яхши таклифни танлаб олиш” бўлимида №192475-сонли лот рақами билан жойлаштирилган эълон бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хукумат уйидан фойдаланиш бошқармасига электрика махсулотларини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш учун ООО “Belloff” (инн:307 709 835) ва “Qutlug`-ishonch royuqadam” (инн:309 327 416)дан таклифлар тушганлигини тўғрисида xarid.uzex.uz сайтининг “Амалга оширилган лотлар” платформаси томонидан электрон баённома тақдим этилди.

Мазкур баённома 2022 йил 24 ноябридан 2022 йил 28 ноябригача яъни 2 иш куни давомида etender.uzex.uz сайти иштирокчилари эътиборида турди ва ҳеч қандай эътирозлар бўлмади.










Комиссия томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида афилланганлик аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хукумат уйдан фойдаланиш бошқармасига электрика маҳсулотларини етказиб ташкилотни аниқлаш учун “Баллик баҳолаш тизими” бўйича берилган эълонда талаб қилинган шартлар юзасидан энг юқори балл тўплаган **ООО “Belloff”** ғолиб деб топилди ва ушбу ташкилот билан жами **55 950 000,0** сўмлик шартнома тузишга қарор қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат:.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Танлов ғолиби бўлган, **ООО “Belloff”** билан **55 950 000,0** сўмлик шартнома тузилсин.

Аъзолари:	И.Бойжигитов		Бош ҳисобчи
	Д.Мамасолаев		Давлат харидлари бўйича бош мутахассис
	С.Шарипова		Хўжалик бўлими мудири в.б.
	С.Салихов		Омбор мудири
	С.Тожибоев		Алоқа воситаларидан фойдаланиш бўлими мудири
	Н.Вахобов		Бўлим мудири в.б.
	Ш.Абдуллаев		Моддий таъминот бўлими мудири
	М.Умарова		1-тоифали мутахассис
	И.Талипжанов		Нусха кўчириш ва кўпайтириш бўлими мудири

12-сонли шартнома

Тошкент шаҳри

2022 йил "28" Ноябрь

ООО BELLOFF номидан низом асосида иш юритувчи Мавлянов Мардон

бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Хукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси номидан низом асосида иш юритувчи Раҳбар А. 3 Азамов, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

"Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Электрика маҳсулотлари етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу товар ва хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

1.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

1.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

1.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 55,950,000.00сум (Эллик беш миллион туккиз юз эллик минг) сўм,ҚҚС билан .

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

2.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш кун ичида амалга оширилади.

2.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

3.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

3.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

3.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

4.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

4.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

4.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

4.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

6.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

6.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

7.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

7.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

– амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

– ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

7.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

7.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

7.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

7.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

7.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

9.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи

Буюртмачи:

Номи: ООО BELLOFF
Манзили: УЗБЕКИСТАН, Ташкентская
область, Бекабад,
Тошкентвилояти, Бекободшахри,
Ёшликкучаси, 12 -дукон
Тел: 909858084
Факс: 909858084
СТИР: 307709835
Ҳисобракам: 20-10-01-0265826-860-001
Ҳисобракам: 20208000405276306001
Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК
КУРИЛИН БАНК" БОШ
АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ
МФО: 01037




УПРАВЛЕНИЕ ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ
ДОМА ПРАВИТЕЛЬСТВА

Р/с: _____
Л/с: _____
Банк реквизитлари: _____
МФО: _____
ИНН: _____
ОКЭД: управление ЦБ г.Ташкента ХККМ МФО 00014
ИНН 207 251 754 ОКЭД 81100



Буюртмачи:

[Signature]
А.З. Азамов



2022 йил 28.11 даги

12-сонли шартномага

1-илова

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (хизмат)лар номи	Ўлчо в бирли ги	Мик дори	Нархи	Сумма
1	Лампа LED 36 (120 см)	штук	60	35000	2,100,000.00
2	Коробка 25 x 12 (2 метр)	штук	5	12000	60,000.00
3	Коробка 12 x 12 (2 метр)	штук	5	10000	50,000.00
4	Изолента ПВХ	штук	40	8000	320,000.00
5	Вилка электрическая с 3/3	штук	120	15000	1,800,000.00
6	Провод ПВС 2 x 2,5	метр	400	12000	4,800,000.00
7	Провод ПВС 2 x 1,5	метр	400	9000	3,600,000.00
8	Колодка 4 мест.	штук	80	54000	4,320,000.00
9	Колодка 3 мест.	штук	80	44000	3,520,000.00
10	Колодка 1 мест.	штук	20	24000	480,000.00
11	Клемник (1 пачка = 12 дона)	штук	12	24000	288,000.00
12	Включатель одинар. внутр.	штук	20	24900	498,000.00
13	Включатель двойной внутр.	штук	20	28000	560,000.00
14	Розетка одинар. наруж.	штук	20	28000	560,000.00
15	Розетка двайнойнаруж.	штук	20	33000	660,000.00
16	Розетка двайнойвнутр.	штук	20	33000	660,000.00
17	Розетка одинар. внутр.	штук	20	29500	590,000.00
18	Лед дроссель 8-24 вт	штук	80	24950	1,996,000.00
19	Светильник 60x60 48 вт	штук	20	180000	3,600,000.00
20	Светильник LED 6 втвнутр. Кругл (белый)	штук	40	24000	960,000.00
21	Светильник LED 9 втвнутр. Кругл (белый)	штук	40	29500	1,180,000.00
22	Светильник LED 12 втвнутр. Кругл (белый)	штук	40	33700	1,348,000.00
23	Светильник LED 15 втнаруж. Кругл (белый)	штук	40	55000	2,200,000.00
24	Светильник LED 24 втнаруж. Кругл (белый)	штук	40	85000	3,400,000.00
25	Светильник LED 18 втвнутр. Кругл (белый)	штук	80	55000	4,400,000.00
26	Светильник LED 36 втвнутр. Кругл (белый)	штук	40	108000	4,320,000.00

27	Светильник LED 18 втнаруж. Кругл (белый)	штук	40	60000	2,400,000.00
28	Светильник LED 12 втнаруж. Кругл (белый)	штук	40	38500	1,540,000.00
29	Лампа LED 12 вт	штук	40	28000	1,120,000.00
30	Лампа LED 7 вт	штук	40	22000	880,000.00
31	Лампа LED 36 (60 см)	штук	60	29000	1,740,000.00
	Жами:				55,950,000сум

Бажарувчи

Номи: ООО BELLOFF
Манзили: УЗБЕКИСТАН, Ташкентская
область, Бекабад,
Тошкентвилояти, Бекободшахри,
Ёшликкучаси, 12 -дукон
Тел: 909858084
Факс: 909858084
СТИР: 307709835
Ҳисобракам: 20-10-01-0265826-860-001
Ҳисобракам: 20208000405276306001
Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК
КУРИЛИШ БАНК" БОШ
АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ
МФО: 01037



Буюртмачи:

**УПРАВЛЕНИЕ ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ
ДОМА ПРАВИТЕЛЬСТВА**

г.Ташкент Мустақиллик-5

Р/с 2340 2000 3001 0000 1010

р/с 100010860262667011209080001

Спец.счет. 40011086026266701120908003

Л/с:

Банк реквизитлари: Б.г.Ташкента ХККМ МФО 00014

МФО 207 251 754 ОКЭД 81100

ИНН:

ОКЭД:



Handwritten signature